

---

## Марғилоннинг 11 нафар спортчи ёшлари юртимизга юксак натижалар билан қайтишди!

Жорий йилнинг 11-17-август кунлари Қирғизистон Республикаси Иссиққўл туманида ёшлар ва катталар ўртасида универсал жанг (UniFight) бўйича Осиё чемпионати ўтказилди.

Қувонарлиси, ушбу чемпионатда Марғилон шаҳридаги 1-сонли Спорт мактабининг 11 нафар ўқувчилари шаҳримиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб юртимизга юқори натижаларни қўлга киритиб қайтишди.

Жумладан:

1. Асилбек Мирзаолимов 1-ўрин
2. Ашур Алиев 1-ўрин
3. Мадина Муқимова 1-ўрин
4. Махлиё Акрамова 1-ўрин
5. Умаржон Усеинов 2-ўрин
6. Муҳаммадбилал Хабибуллаев 2-ўрин
7. Саидакбархон Анвархўжаев 2-ўрин
8. Жалолдин Турсунов 2-ўрин
9. Гулсанам Рўзиева 2-ўрин
10. Абдор Каримов 3-ўрин
11. Муҳтарам Отажонова 3-ўрин

Ғолибларни ушбу юксак натижалар билан муносиб тақдирлаш учун 1-сонли Спорт мактабида тадбир ташкил этилди.

Тадбир давомида вилоят Ёшлар сиёсати ва спорт бошқармаси ҳамда шаҳар ҳокимлиги томонидан совриндор ёшларга фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

2023-08-18 15:17:56